

**NATIONAL LEGAL FRAMEWORK FOR COMBATING HUMAN TRAFFICKING  
(using the example of the Khorezm region)****Laylo Kuryazova**

Researcher

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [kuryazovalaylo7@gmail.com](mailto:kuryazovalaylo7@gmail.com)**ABOUT ARTICLE****Key words:** human trafficking, transnational criminal group, slavery, prostitution, forced labor, indifference.**Received:** 21.10.24**Accepted:** 23.10.24**Published:** 25.10.24**Abstract:** The article analyzes the legal acts of our national legislation on combating human trafficking based on extensive literature. The activities of State bodies engaged in combating human trafficking, including the Ministry of Internal Affairs, the National Security Service, the Ministry of Foreign Affairs, diplomatic missions and consular institutions of the Republic of Uzbekistan, the Ministry of Health in this area, pay special attention to the activities of interdepartmental commissions in the republic and regions.**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ҚУРАШИШНИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ  
(Хоразм вилояти мисолида)****Лайло Қурязова**

Тадқиқотчи

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [Toshkuryazovalaylo7@gmail.com](mailto:Toshkuryazovalaylo7@gmail.com)**МАҚОЛА ҲАҚИДА****Калит сўзлар:** Одам савдоси, трансмиллий жиноий гуруҳ, куллик, фоҳишалар, мажбурий меҳнат, лоқайдлик.**Аннотация:** Мақолада кенг адабиётлар асосида одам савдосига қарши кураш бўйича миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари, жумладан, ИИБ, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг шу йўналишдаги фаолиятлари республика ва ҳудудлардаги Идоралараро комиссиялар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган.

## НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРАВОВАЯ БАЗА ПО БОРЬБЕ С ТОРГОВЛЕЙ ЛЮДЬМИ (на примере Хорезмской области)

*Лайло Курязова*

*Исследователь*

*Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [kuryazovalaylo7@gmail.com](mailto:kuryazovalaylo7@gmail.com)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** торговля людьми, транснациональная преступная группировка, рабство, проституция, принудительный труд, безразличие.

**Аннотация:** В статье анализируются правовые акты нашего национального законодательства о борьбе с торговлей людьми на основе обширной литературы. Деятельность государственных органов, осуществляющих деятельность по борьбе с торговлей людьми, в том числе МВД, Службы национальной безопасности, Министерства иностранных дел, дипломатических представительств и консульских учреждений Республики Узбекистан, Министерства здравоохранения в этом направлении, уделяется особое внимание деятельности межведомственных комиссий в республике и регионах.

Одам савдоси XXI асрда терроризм, наркотрафик каби глобал муоммага айланиб, бутун дунё буйлаб кенг тарқалган жиноятлардан бирига айланиб бормоқда. Шу сабабли бу жиноят миллий қонунчилик доирасидан аллақачон четга чиқиб халқаро ҳуқуқнинг долзарб масалалари ичидан ўрин олмоқда.

Таъқидлаш лозимки, бугунги кунда бутун дунёда инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, одам савдоси каби жиноятлар кўпайиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солмоқда.

Бунга биргина мисол сифатида, халқаро экспертларнинг маълумотларига қараганда, дунё миқёсида ҳар йили 4,5 миллиондан зиёд киши одам савдоси қурбони бўлади. Ачинарлиси, уларнинг 1,2 миллиондан зиёди болалардир.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Республика Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси раисининг 2014 йил 8 сентябрь йилги 3-сон Фармойишига асосан Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитасида текширув ўтказилди.

Текширув давомида вилоятда 2014 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига узоқ муддатга чиқиб кетганлардан 11.569 нафари хотин-қизларни ташкил этиб, уйларига қайтмаган аёллар сони 8.070 нафарни ташкил этган. Яшаш жойидан чиқиб кетган хотин-қизларнинг салмоқди қисми Урганч шаҳрида 1.734 нафарни, Янгиариқ туманида 717, Қўшқўпир туманида 661 ва Урганч туманида 617 нафарни ташкил этган.

Хоразм вилоят ИИБ дан олинган маълумотларга кўра, олиб борилган ишлар давомида вилоятнинг айрим туманларида хатоликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари томонидан яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган хотин-қизларнинг оилаларида етарли тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги натижасида ўз яшаш жойларига қайтиб келаётган аёллар орасида ижобий ўзгаришлар сезилмаган. 2013 йил ҳам жорий йилнинг 8 ойи ҳолатига узоқ муддат чет давлатларда бўлиб қайтган аёллар сони 3.499 нафарни ташкил этган, шундан 24 нафари тиббий кўриқдан ўтмаган, 2.531 нафари иш билан таъминланганмаган.

Хива туман ва Урганч шаҳар хотин-қизлар кўмиталари томонидан яшаш манзилидан узоқ муддатга чиқиб, қайтиб кетган аёллар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ тўпланмаган, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари етарли даражада амалга оширилмаган.

Аниқланган камчиликлар текшириш жараёнида бартатараф этилиб, яшаш манзилидан узоқ муддатга узоқ муддатга чиқиб, қайтиб келган аёлларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш чора – тадбирлари белгилаб олинган.

2013 йил ҳамда 2014 йилнинг 8 ойи давомида хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги сабабли депортация қилинган хотин-қизлар 40 нафарни ташкил этиб, шундан атиги 19 нафарининг бандилиги таъминланган. Тадбир бошидан 53 нафар депортация қилинган аёлларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш чоралари кўрилмаган. Жумладан, Янгиариқ ва Хива туман хотин-қизлар кўмиталари томонидан депортация қилинган хотин-қизларнинг рўйхати тўлиқ юритилмаганлиги сабабли уларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва иш билан таъминлашнинг етарли чоралари кўрилмаган. Жумладан, Урганч туманида яшовчи 1984 йилда туғилган Ш.Жуманиёзовнинг тиббий кўриқдан ўтказиш масалалари туман хотин-қизлар кўмиталари томонидан эътиборсиз қолдирилган. Худди шу каби, Хива туман хотин-қизлар кўмитасида депортация қилинган 1986 йилда туғилган Н.Мадримова ва 1978 йилда туғилган И.Абдураимовалар ҳақида тиббий маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, Республика идораларо комиссияси қарорлари билан юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилмаган. 2013 йилда ҳамда 2014 йилнинг 8 ойи давомида одам савдоси жинояти оқибатида жабрланган хотин-қизлар 41 нафарни ташкил этиб, уларининг атиги 24 нафари иш билан таъминланган. Жумладан, текшириш давомида аниқланишича, одам савдоси жинояти оқибатида жабрланган Н.Отажонова Шовот туман хотин-қизлар кўмитасига ишга

жойлаштириш ҳақида мурожат этган бўлса унинг аризаси иш жилдига қўшиб қўйиш билан чекланилган. Текширув жараёнида Н.Отажонова “Ўзагросуғурта” ДАСК Шовот тумани бўлинмасига ундирувчи суғурта агенти лавозимига ишга қабул қилиниши таъминланиб, унга амалий ёрдам кўрсатилган.

Вилоят хотин –қизлар кўмитаси томонидан масъул идоралар билан ҳамкорликда ўрганилган давр мобайнида одам савдоси жиноятдан жабрланган ва депортация қилинган хотин-қизларнинг рўйхати таҳлил қилиниб, яшаш манзилларини аниқлаштириш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, текшириш давомида қисман бажарилган.

Вилоят хотин –қизлар кўмитаси томонидан 2013 йил ва жорий йилнинг 8 ойида туманларга одам савдосига қарши кураш юзасидан ўрганишлар ўтказилмаганлиги ва амалий ёрдам кўрсатишнинг етарли чоралари кўрилмаганлиги сабабли туман – шаҳар хотин –қизлар кўмиталарининг фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Жумладан, одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят Идоралараро комиссияси иш режасининг 15 бандида одам савдосини олидини олиш юзасидан аҳолига, шунингдек, хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш учун “Ишонч телефон”лари ташкил этилган бўлса, 2013 йилда ва 2014 йилда хотин-қизлар кўмиталарига бирорта мурожат келиб тушмаган. “Ишонч телефон”лари ташкил этилганлиги ҳақида аҳоли етарли хабардор қилинмаган ва “Ишонч телефонлари”га мурожат қилинмаганлигини сабабли вилоят хотин –қизлар кўмитаси томонидан ўрганилиб, баратараф этиш чоралари кўрилмаган. Шунингдек қарорлар ижроси юзасидан ва амалга оширилган ишлар ҳақида туман кўмиталари томонидан ҳар чорак якуни бўйича вилоят кўмитасига ахборот талаб қилиб боирлиши лозим бўлсада, туман – шаҳар хотин –қизлар кўмиталари томонидан бу талаб тўлиқ бажарилмаган.

Бундан ташқари, Гурлан, Шовот, Боғот ва Хонқа туман хотин –қизлар кўмиталари томонидан узоқ муддат чет элда бўлиб қайтган, яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган ва депортация қилинган шахсларни аниқлаш, ҳисобга олишда ИИБлар билан ўзаро ҳамкорликда ва ўзаро солиштиришлар ўтказилиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилган бўлсада, лекин Хозарасп ва Хива туманлари ҳамда Урганч шаҳар хотин-қизлар кўмиталари томонидан амалга оширилган ишлар талаб даражасида бўлмаган.

Вилоят хотин –қизлар кўмиталари томонидан 2013 ва 2014 йилга белгиланган иш режаларининг туман кўмиталари томонидан бажарилиши фаолияти устидан идоравий назоратнинг сусайтириб юборилганлиги иш режаларнинг бажарилмай қолишига олиб келган.

Аксарият туман хотин-қизлари кўмиталари томонидан одам савдосига қарши курашиш борасида амалга ошириладиган ишлар юзасидан 2013 ва 2014 йиллар учун тузилган иш режалар жойлардаги одам савдосидан жабр-ланган билан ишлаш, уларга кўмаклашиш ёки

жабрланганлар яшаётган ҳудудларда тарғибот тадбирлари ўтказиш масаласида эмас, балки бир хил ёки бир-бирига ўхшаш бандлардан иборат объектлари кўрсатилмаган учра-шув ва давра суҳбатлари ўтказиш бўйича тузилиб, уларнинг ҳам ижроси етарли даражада таъминланмаган эди. Масалан, Янгибозор тумани хотин-қизлар қўмитасининг 2013 ва 2014 йилларга мўлжалланган иш режалари тумандаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқилмаслиги, кўчириб қўйилиши билан чекланган. Қўшқўпир, Гурлан, Боғот, Шовот, Хива, Урганч, Хонқа ва Янгиариқ туман хотин –қизлар қўмиталари томонидан тарғибот ишлари олиб борилишида электрон ахборот тизими имкониятларидан умуман фойдаланилмаган бўлса, Гурлан, Хозарасп ва Хива туман хотин –қизлар қўмиталари томонидан эса телевидение орқали тарғибот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Вилоят хотин –қизлар қўмитаси томонидан ҳар чоракда хотин – қизлар қўмитаси томонидан иш режаларининг бажарилиши ва бу соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан жойларга чиқиб амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг билимини ва малакасини ошириш борасида жадвал ишлаб чиқди.

Хотин –қизлар қўмиталари томонидан тарғибот тадбирларининг суствакашлик билан олиб борилиши, уларга етарли даражада эътибор берилмаёгналиги сабабли йилдан йилга хотин –қизларнинг узок муддатга чиқиб кетиш ҳолатлари ўчиб борган.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси томонидан 2016 йил 8 февраль куни ижрога йўналтирилган “Одам савдоси – давр муаммоси” номли тарғибот лойиҳаси юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси Хоразм вилоятида касб-ҳунар коллежлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, тиббиёт бирлашмалари, прокуратура, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайриф фонди, “Камолот” ЁИХ вакиллари ҳамкорлигида амалга оширилди. Шу йилнинг ўзида “Одам савдоси-давр муаммоси” мавзусидаги учрашувлар 17, 21, 24, 27 – сонли умумтаълим мактабларида тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Бу тадбирда 710 нафар ўқувчи ёшлар иштирок этди. Лойиҳа доирасида 386 та тарғибот тадбирлари ўтказилди. Таълим муассасаларида июль ойида ўқув соатлари тугутилганлиги сабабли, тарғибот тадбирлари асосан маҳалла фуқаро йиғинларида, ташкилотларда ўтказилди.

2016 йилнинг ўзида маҳаллалардаги 5 та сектор – оилага кириш, саломатлик, таълим – тарбия, жиноятчиликни олидини олиш профилктикаси, секторлар томонидан хонадонларга кириш, аниқланган муаммолар бўйича муаммолар ечимини топиш, ҳамда Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида хонадонлардаги муаммолар ўрганилиш тизими яратилди. Хоразм вилоятида 3 ой давомида 9 950 дан ортиқ хонадонларга кириб чиқилди. Шундан 1300 дан ортиқ оилаларга таълим – тарбия масалалари, тушунтириш ишлари берилди. 350 та турли

ноҳуш ҳолатлар қайд этилган оиалаларга кириб тарғибот- ташвиқот ишлари олиб борилди. 2700 нафар иш билан банд бўлмаган қзлар Устоз-шогирд йўналишида хунарга ўргатилди.

Мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавfli кўринишларига қарши кураш ҳақида 29 та шартнома ва келишувлар имзоланган.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай ноҳуш воқеаларни олдини олиш глобал аҳамиятга эга. Барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақазо этмоқда. Шу муносабат билан халқаро ва миллий қонунчиликда одам савдосига қарши курашни ҳуқуқий тартибга солиш шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситасидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Нурматов Р.Б. Одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари / Электрон ресурс: <https://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=34452> [Мурожаат санаси: 21.09.2024]

2. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами, 2008, 28-сон, 268-бет.

3. Ўз МА. М-170, рўйхат – 1, йиғма жилд – 161, - 212 – 214 бетлар.

4. Ўз МА М- 170, рўйхат – 1, йиғма жилд – 221, - 85 вақ.

5. Ўз МА М- 170, рўйхат – 1, йиғма жилд – 218, - 13 варақ.

6. Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013. Б-16.